O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 10 апрель, шанба • № 29 (11.112) • Эркин нархда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ АШГАБАДДАГИ УЧРАШУВИ

8 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Туркманистон пойтахти Ашгабад шаҳрига жўнаб кетди. Сафар олдидан Юртбошимиз оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб, жумладан, бундай деди:

— Биз Ашгабад учрашувида кўриб чиқмоқчи бўлган асосий масала, албатта, Орол муаммосидир. Бу муаммо нафақат бир давлатнинг ёки минтақанинг, балки бутун дунёнинг фожеасига айлангани маълум. Шунинг учун бугунги кунда иқтисодий қудратли давлатлар ва катта-катта молиявий ташкилотлар бу офатдан қутилишга ёрдам бермаса, экологик фожеанинг салбий оқибатлари уларга ҳам етиб бориши шубҳасиз.

Маълумки, Оролни қутқариш бўйича ташкил этилган халқаро жамғарма раҳбари ҳар икки йилда алмашиб туради. Икки йил олдин бу вазифа Ўзбекистон Президентига топширилган эди.

Халқаро жамғармага Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган пайтда бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қолаверса, туғилаётган авлодни, умуман, бутун оролбўйи ҳудуди аҳолиси соғлиғини сақлаш борасида қатор тадбирларни амалга оширдик. Бир нарсани мамнуният билан айтмоқчиманки, жамғармага Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган даврда Орол сувининг камайиши тўхтатилди. Бу нафақат биз амалга оширган тадбирларнинг натижаси, балки Европа Иттифоқи давлатлари, жаҳон банки ва бошқа мамлакат ҳамда ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари самараси, деб ўйлайман. Бизнинг галдаги вазифамиз ўз имкониятларимиз ва жаҳон ҳамжамияти кўмагида бундай ишларни янада ривожлантиришдан иборат.

* * *

Ашгабад. 8 апрель (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Туркманистон пойтахтига келди. Ашгабад аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Саммитга Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистоннинг давлат раҳбарлари ташриф буюрган.

Туркманистон Президентининг саройида Президентларни расмий кутиб олиш маросими, сўнгра Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг мажлиси бўлди. Унда жамғарма Президенти — Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов жамғарманинг 1997-1999 йиллардаги фаолияти ҳақида сўзлади.

Мажлисда экологик фалокат минтақасидаги вазиятни барқарорлаштириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик ва халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Шундан сўнг Ашгабаддаги «Гранд Туркмен» меҳмонхонасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 апрель куни Ашгабаддан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош Вазир Ў.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

**(ЎзА).**

*Муносабат*

## ЖАҲОНШУМУЛ АЪМОЛ БУ!

*ЗАМОНАНИНГ ўзгариши билан миллат, жамият, инсон ҳаётидаги нурли ҳамда соядор жиҳатлар яққолроқ кўзга ташланар экан. Бундай жараёнлар кишини қувонтириб, фахрланиш ҳиссини уйғотади. Зотан, ҳар бир муаммода муайян ҳодисани вужудга келтирган сабаблар ва тақозолар ҳақида сўз борар экан, ўз-ўзидан маълумки, маънавий ёхуд руҳий йўналишлар биринчи ўринга чиқади.*

У масаланинг моҳиятини белгиловчи асосий омил даражасига кўтарилади. Ўшанда ўрганиш мавзуси катта мезон — кўзгуларга солиб кўрилади. Бу кўзгулар фавқулодда шароитларда, ҳаёт-мамот қутбларида турган миллат маънавиятини кўрсатишда, унинг кенг кўламли дунёқарашини зоҳир қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШУ ЙИЛ 7 АПРЕЛЬ КУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ беқиёс улуғ иш бўлди, десак маҳобат бўлмайди.

Бундай дейишимизнинг боиси бор, албатта. Деярли бир ярим аср вақт мобайнида ислом дини, шарқона анъаналар, жанубий миллатларга хос ахлоқ-одоб мезонлари, энг кўҳна фалсафий қарашлар бир қадар инқирозга учради. Бунга зўравонликка асосланган қўшни катта салтанатларнинг босқинчилик, мустабидлик, мустамлакачилик сиёсати сабаб бўлди. Чунки, ўтган аср яримларидан бошлаб Ўрта Осиёнинг забт этилиши ана шундай аянчли жараёнларни келтириб чиқарди. Миллий-маданий бойликларимиз четга олиб кетилди. Шарқ илм-фани, маданияти чор ҳукумати ва унинг олимларини, кейинчалик, шўро комиссарларининг диққатини ўзига қаттиқ жалб этди. XIX аср охирларида чоп этилган русий рўзнома «Окраина»нинг ёзишича, Ўрта Осиё китобати, қўлёзма манбалари, санъат асори-атиқалари билан воситачилик қилувчи кимсалар шу қадар фирибгар ва найрангбоз бўлганларки, уларни ҳалойиқ ҳақли равишда «жаллоблар» деб атаган. Маданий қароқчилик олиму фузалоларимиз, руҳоний зиёлиларимизни ана шундай аянчли аҳволга туширди. Ўз навбатида ислом дини — афюн, шариат — номатлуб, иймон-эътиқод — адашишлик деб айюҳаннос солинди. Шу тариқа художўйлик худосизлик билан алмаштирилди.

Мустақиллигимиз шарофати боис тарихий ҳақиқат қайтадан заруратга айланди. Шарқона илмий олам нима? Қадимий фалсафа хазиналарининг дастлабки манбалари қаерда пайдо бўлган? Жалолиддин Румий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ибн Закариййя ар-Розий, Абу Ҳамид ал-Ғаззолий, ал-Киндий мактаблари... «Қаламул-нафсий» («Ички нутқ»), «Қаламул-лафзий» («Зоҳирий нутқ») сирлари доираси нималардан иборат? «Тарихи Табарий», «Тарихи Банокатий», «Сиёсатнома» асарларининг айни кунлардаги мавқеи қандай? «Дорул-ислом» билан «Дорул-ҳарб» ўртасида фарқ недир?.. Ҳа, бу каби саволларга жавоб бермоқлик анча мушкул. Бунинг уддасидан, фақат, дини ислом тарихи, тадқиқотчи шарқшунослар, мазкур соҳага даҳлдор фузалои олимларгина чиқиши мумкин.

Бузиш осон, қуриш қийин. Маҳв этилган қадриятларимизни, илм-фан рукнларини тиклаш осон кечмади. Аммо, мустақилликнинг дастлабки бир неча йилидаёқ Юртбошимиз айтганларидек «...динга оид минглаб китоблар нашр этилгани, масжиду мадрасаларни обод қилганимиз, буюк алломаларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаганимиз, уларнинг эски замонда оёқости бўлиб қолган абадий масканларини чинакам зиёратгоҳларга айлантирганимиз — буларнинг барчаси халқимизнинг дини исломга меҳр-муҳаббати, ҳурмат-эҳтиромининг яққол тасдиғи эмасми?»

Шу жиҳатдан олиб қараганда Президентимизнинг юқоридаги Фармони барча қитъаларда акс садо берди. Унда қайд этилишича, ташкил этилажак Ислом университетида диншунослик асослари, унинг йўналишлари, илмий-тадқиқот тамойиллари, ислом дини тарихи, фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривожидаги ўрни билан боғлиқ масалаларни ҳамда замонавий фанларни чуқур ўзлаштиришга, давлат ва жамоат ташкилотлари, диний муассасалар олдидаги назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнларига катта йўл очилади. Шу тариқа эндиликда ўтмишдош аждодларимизнинг бой диний, илмий-маърифий мерослари тўлиқ тикланади, қулай шарт-шароитлар оғушида кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилади.

...Шоири замон айтганидек, замон келур дунёда тошу тарозу бўлғай, тарозунинг бошида Ҳақ ўзи қози бўлғай. Қиш заҳридан дилгинам, оҳ чекма, иншоллоҳ, сабр айла бу юртнинг ҳам баҳори, ёзи бўлғай... Ҳа, она-Ватанимизга — Ўзбекистонимизга илм-фан ёзининг келганига анча бўлди. Жаҳондаги «Байтул ҳикма», «Ал-Азҳар», «Калидас» сингари йирик илм-фан марказлари қаторига ҳозирга келиб Тошкент Ислом университети ҳам қўшилди. Шунинг учун Юртбошимизнинг янги Фармонини бемалол жаҳоншумул аъмол, деб аташимиз мумкин.

***Раҳимберди УМАРОВ,***
***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.***





## МУДДАОДАГИ ИШ БЎЛАДИ

**Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида плёнка тагига экилган чигитлар қийғос униб чиқа бошлади**

***ДЕҲҚОН меҳнатининг самараси, табиийки, чигитни барвақт экиб, ернинг табиий намига ундириб олишга ва парвариш ишларини меёрида ўтказилишига боғлиқ. Бу йил табиатнинг ўзи бу борада деҳқонларга қарашиб саҳоватини кўрсатмоқда.***

Жамоа хўжалиги пахтакорлари бу имкониятдан ғоятда унумли фойдаланиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

— Кечаги ёққан кучли ёмғирдан сўнг далага кира олмаймиз, деб хавотирлангандим, — дейди жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Ўрозали Ҳамроев, — бироқ, бизнинг ҳудудда тез-тез шамол бўлиб туриши қўл келди. Ер етилиб турипти. Экишни бемалол бошлайверсак...

У, сиз нима дейсиз, дегандек, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг муовини Абдусамад Жумабоевга (юқоридаги суратда чапдан) қаради.

— Ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, — дейди Абдусамад.

Кўп ўтмай агрегатлар ишга тушиб кетди.

Бу йил хўжаликда 1400 гектар майдонга чигит экилади. Ҳар гектаридан 26 центнердан, жами бўлиб 4 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилиши керак.

— Ана шу мақсадда, — дейди ҳосилот, — ерларни тайёрлашга, техникани шай қилиб қўйишга ва муҳими шароитимизга анча мос келадиган «Ан-Боёвут» уруғлиғини саралашга алоҳида эътибор бердик.

Ҳосилотнинг айтганича бор экан. Ҳозирги кунда Искандар Ҳошимов, Жўра Оллоназаров, Ғайбулла Саъдуллаев сингари механизаторлар кунига 14-15 гектардан майдонга чигит экмоқдалар.

Ҳосилот, агар тайёргарлик пухта бўлса, ишга барвақт киришилса, плёнка тагида ғўза ўстиришнинг иқтисодий аҳамияти катта эканлиги ҳақида ҳам гапиради. Бу йил хўжаликда 100 гектар майдонга ана шу усулда чигит экилади. 25 мартдан бошлаб мазкур тадбир амалга оширила бошланди. Дастлабки экилган майдонларда чигит қийғос униб чиқиб, ер бетини кўм-кўк майсалар қопламоқда.

Кунига 130-140 гектардан майдонга чигит қадаётган «деҳқонобод»ликлар пуштага экиш усулини ҳам қўллаб, катта хирмонга мустаҳкам замин яратмоқдалар.

***Носир ИСАЕВ.***
***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

*Тарихимизни ўрганяпмиз*

## СОҲИБҚИРОННИНГ ШОҲРУҲИЯСИ

***ОҚҚЎРҒОН туманида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 663 йиллиги ва у қурдирган тарихий Шоҳруҳия шаҳрининг 610 йиллигига бағишлаб, хотира куни ўтказилди.***

АБАДИЯТ НУРИ... Узоқ ўтмишдаги унутилмас воқеалар, улуғ аждодларнинг ҳаёти ва эзгу ишлари ҳақида гап кетганда, кўпинча, мана шу таъриф тилга олинади. Чиндан ҳам тафаккур ва саодат нури абадийдир. Не бахтким, бизнинг қадим юртимизда нафақат рўйи заминдаги муаммоларга, ҳатто, коинотдаги тилсимотларга ҳам ечим топа билган буюк алломалар, бебаҳо шоирлар, қудратда тенгсиз жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг авлодларга қолдирган бой маънавий, маданий мерослари ҳали-ҳануз дунё аҳлини лол этади. Неча замонлар нарисидан туриб куч ва адолат тимсоли сифатида бугунги кунимиз учун ҳам хизмат қилаётган ана шундай улуғ шахслардан бири — соҳибқирон Амир Темур эди.

Тарихдан маълумки, Амир Темур қаерга бормасин, қадами етган жойни обод қилишга, қурилишлар барпо этишга ҳаракат қилган. Ҳозиргача сақланиб қолган, эндиликда бебаҳо ёдгорликлар сифатида асраб-авайланаётган иншоотлар кам эмас. Бироқ, собиқ тузумнинг миллий қадриятларимизга ёт бўлган сиёсати туфайли уларнинг кўпчилиги вайрон бўлиб кетди, қимматбаҳо буюм ва ёдгорликлар талон-тарож қилинди. Пешонасига ана шундай «тупроққа изсиз кўмилиш» қисмати ёзилган Шоҳруҳия шаҳри ўрнида ҳам баланд-паст тепаликлар қолган, холос.

Мустақиллик туфайли тарихимизга, қадриятларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Неча замонлардан бери ўз тақдирини кутиб ётган тилсиз тарих ёдгорликлари қайта ўрганилмоқда, халққа қайтарилмоқда. Тошкент вилояти ҳокимлиги вилоят ҳудудидаги барча тарихий жойларни, улуғ аждод-

**(Давоми 2-бетда).**

*Фармон ва ижро*

## БАРИБИР ЯШИРА ОЛМАЙСИЗ

***ВИЛОЯТ назорат инспекцияси ўтказган текширувлар қатор шаҳар ва туманлардаги корхоналар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ижро ва молия интизоми бузилаётганини, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги меъёрий ҳужжатларга риоя этилмаётганини кўрсатди.***

ЎЗБЕКИСТОННИ ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган ўзига хос ва ўзига мос йўлини амалга оширишда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил беш ўзакдир. Уларнинг орасида бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Бу борада мустақиллик йиллари ичида қатор фармонлар, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Улар мамлакатимиздаги каби вилоятимизда ҳам ўзининг ижросини топмоқда. Айни вақтда ҳаёт бу борада қабул қилинган қонунлар, фармонлар, қарор ва қатор меъёрий ҳужжатларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, бу мақсадда давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг ўз эгасига етиб боришини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилиш зарурлигини ҳам кўрсатмоқда.

Шу йил 6 апрель куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган назорат инспекцияси кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши буни яна бир бор кўрсатди.

Йиғилишда вилоят шаҳар ва туманлари ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари, шаҳар

**(Давоми 2-бетда).**

# ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

## «БАХТ УЙИ»ДА «ОИЛА» МАРКАЗИ

***ОИЛА ва маҳалла ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Чирчиқ шаҳрида кенг кўламли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Хотин-қизлар ва соғлом турмуш тарзи», «Аёл ва қонун», «Ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш» каби мавзуларга бағишланган анжуманлар ўтиб турипди.***

Шаҳар «Бахт уйи» ҳузурида «Оила» марказининг ташкил этилиши эса нур устига аъло нур бўлди. Яқинда ўз фаолиятини бошлаган бу марказда ўтказилган «Оилавий анъаналар» давра суҳбати иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. «Оила — севишган қалбларнинг муқаддас иттифоқи», «Оила ва маҳалла — аҳлоқий барқарорлик қўрғони», «Эр ва хотин — оила посбони» сингари мавзуларда мулоқотлар ўтказиш режалаштирилди.

***Акбар АЛИЕВ.***

## ОМБОРЛАРДА УРУҒ ЕТАРЛИ

***ВИЛОЯТ хўжаликларини сифатли уруғ билан таъминлаш борасида «Сабзавотнавуруғлари» бирлашмаси ходимларининг ўтган йилги ишлари анча ибратли бўлди.***

Натижада 15 миллион сўмликдан зиёд сабзавот, полиз ва хашаки илдизмевали экинлар уруғлари сотилди. Соф фойда 2 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди. 1997 йилдагига нисбатан 13 тоннаю 970 килограмм кўп уруғ жамғарилди.

— Биз бу йил хўжаликлар билан шартнома асосида ишлашни йўлга қўйдик, — дейди жамоа раҳбари Рустам Каримов. — Хусусан, Зангиота туманидаги «Бўзсув» фермер хўжалиги уюшмаси билан 3 миллион 850 минг сўмлик шартнома тузилди.

Бирлашманинг бу йилги натижалари ҳам самарали бўляпти. Уч ой ичида у жамоа хўжаликлари ва аҳолига 9 миллион сўмликка яқин уруғ сотди.

***Саидвали ҲАСАНОВ.***

## МАҲСУЛОТЛАРГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

***ВИЛОЯТИМИЗНИНГ Юқоричирчиқ туманида фаолият кўрсатаётган «Тонг» кичик корхонаси ишлаб чиқарадиган уч турдаги колбасага талаб тобора ошиб бормоқда.***

Бир кеча-кундузда мол гўштидан тайёрланаётган 10 тонна маҳсулот ҳар куни Тошкент, Ангрен шаҳарлари, Паркент тумани савдо ходимлари томонидан янги ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Ўттиз икки нафар киши меҳнат қилаётган бу жойда яқинда яна бир янгилик жорий этилди. Олмониядан харид қилинган замонавий дастгоҳ туфайли колбасаларни ҳавоси сўриб олинган целлофан халтачаларга жойлаш унумдорлиги ошди.

Бу усул Лола Гулмерова, Ҳамида Тўғизбоева каби ходималарнинг ишларини икки баравар енгиллаштирди.

***Шаҳло БЕКНАЗАРОВА.***

## УЛАР ВАЛЮТА ИШЛАШМОҚДА

***«ЧИРЧИҚ трансформатор заводи» ҳиссадорлик жамияти энергетика ва электрлаштиришда кўплаб ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш қатори уларни таъмирлашни ҳам ўзлаштирмоқдалар.***

Ҳозирги вақтда корхонада бир юз қирқтадан ортиқ турдаги трансформаторлар қайта тикланмоқда.

Бу соҳада бирлашмага мурожаат қилувчи мижозлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Қатор узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар ҳам буюртма бермоқдалар. Айни вақтда уларга турли русумдаги трансформаторлар етказиб берилмоқда. Шу туфайли соф даромад ўтган йилда 1,9 миллиард сўмни ташкил этди, мамлакатимизга эса салкам икки миллион АҚШ доллари келтирилди.

***Собир МАҲМУДОВ.***

## ЭМЛАШИМИЗ ЭМ БЎЛСИН

***ШОЛ билан курашишнинг ягона усули бу фаол эмлаш йўлидир. Бу борада республикамиз ҳукумати, соғлиқни сақлаш вазирлиги катта саъй-ҳаракат кўрсатмоқда.***

Кейинги беш йил мобайнида вазирлик томонидан ҳар йили икки марта, тўрт ёшгача бўлган болаларни ёппасига полиомиелит, яъни шолга қарши эмлаш ўтказилиши бунга ёрқин мисолдир. Бу борада «Шолга қарши миллий эмлаш кунлари» жорий этилишининг ўзиёқ болаларга бўлган меҳрибонлик тимсолидир. Ана шу тадбирлар туфайли вилоятимизда 1996-1998 йилларда бу дард бирон марта ҳам қайд этилгани йўқ.

Бу йилги эмлаш тадбирларининг 14-15-16 апрель ҳамда 13-14-15 май кунлари ўтказилиши белгилаб қўйилди. Унинг муваффақияти жойлардаги ҳокимликларнинг, хўжалик ва ташкилот раҳбарларининг, мутасадди ходимларнинг тиббий мутахассисларга қай даражада ёрдам кўрсатишларига боғлиқдир.

***М. ЎЛМАСОВ,***
***Вилоят санитария эпидемиология станцияси бош шифокори муовини.***

